



YOSHLAR OVOZI

MUNOSABAT

Халқ ишонгини қозонишимиз керак

Ўн етти йиллик иш тажрибасига эга шифокорман. Соғлиқни сақлаш тизимидаги фаолиятим давомида соҳанинг баланд-пастини кўрдим, кўп нарсани англадим, худоса килдим. Аниқ биламанки, инсон саломатлигини тиклаш, қил устиди турган ҳаётни асраб қолиш жуда машаққатли вазифа. У тиббиёт ҳодимидан фидойилик ва жонқурликни талаб қилади.

Хўжақўрсинга ишлашга ҳаққимиз йўқ! Баъзан: “Малакали шифокорларни хусусий клиникаларга топиш мумкин, давлат шифохоналарига ишонч йўқ”, — қабилидаги фикрлар қулоққа чалинади. Бундан қаттиқ ранжийман, лекин ўйлаб қарасам, одамлар ҳам билиб гапирар экан.

Тўғри, бугун кўпгина шифокорлар ўзини хусусий секторга уряпти. Чунки ҳамма яхши ишашни хоҳлайди-да. Тан олиш керак, давлатга қарашли тиббиёт муассасаларида моддий манфаатдорлик ҳавас қиладиган даражада эмас. Кадрлар сифат ва савияси билан боғлиқ муаммоларнинг бош илдизи ҳам шунда.

Мана энди йиллар давомида тўпланиб қолган муаммолар бири-кетин бартараф этилишига ишончим қомил. Сабаби жорий йилнинг 7 ноябрида Президентимиз “Давлат тиббиёт муассасалари ва соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ҳодимларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорга имзо чекди. Ушбу ҳужжат бевосита соҳа ҳодимларининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, моддий қўллаб-қувватлаш ва самарали ишлаши учун муносиб шароитлар яратишга қаратилган.

Қарорда белгиланишича, бундан бунён соғлиқни сақлаш тизими ҳодимларининг иш сифатига жамо-

атчилиқ баҳо беради ва шу аснода уларга ҳақ тўланади. Қолаверса, тиббиёт муассасалари раҳбарлигига намунали фаолият кўрсатаётган шифокорларга тариф ставкасининг юз фоизигача миқдорда ойлик устама тўлаш ҳуқуқи берилмоқда.

Шаҳсан ўзим давлат шифохонасида ишласам-да, ҳар йили хорижда малака ошириб келяман. Яқинда икки нафар ҳамкасбим Хитойда бўлиб қайтди. Бундай сафарлар ривожланишимиз учун зарур. Чунки мураккаб жарроҳлик амалиётларини ўтказамиз. Табиийки, илғор давлатлар тажрибаси бу борада ниҳоятда асқатади. Президент қароридан айнан шу жиҳат алоҳида эътиборга олингани барчамизни бирдек қувонтирди. Зеро, қобилиятга ўралиб ўтирган эмас, балки дунё кўриб, янги билим орттирган одам ўсади ва юксалади.

Яна бир ҳақиқат бор: киши қилаётган ишдан манфаат кўрсатса, меҳнати кадрланса, албатта, олдинга интилади. Юртимизда иктидорли ёшлар кўп. Келгуси режалари ҳақида эшитсангиз, кўнглингиз тоғдек кўтарилади. Аммо улар кўмакка муҳтож. Мана шундай салоҳиятли ёш кадрлар бугунги кунда Абу Али ибн Сино номидаги Давлат стипендиаси билан тақдирланмоқда. Лекин бу иш дарёдан томчи, ҳолос. Қарорда қайд этилишича, эндиликда тиббиёт йўналишидаги олий таълим муассасаларининг талабалари учун бошқа турдаги стипендиялар ҳам таъсис этилади. Мен шу аснода илғор фикрли йигит-қизлар сафи янада кенгайишига ишонаман.

Отабек ИКРОМОВ,
Республика офтальмология
клиник шифохонаси
бош шифокори

EKSKLYUZIV



— Экстремизм ва терроризмга ўхшаш мафқуравий таҳдидлар домига, аввало, ёшлар тортилаётгани сир эмас. Исталган жиноятнинг асосида бекорчилик ва билимсизлик ётиши ҳам яхши маълум. Шу нуқтаи назардан, Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ёшларининг ассамблеясида мен Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси номидан ҳар иккала иллатга қарши курашининг мақбул усули сифатида сайёҳлик соҳаси, хусусан, ёшлар туризмни ривожлантириш талабалари учун бошқа турдаги стипендиялар ҳам таъсис этилади. Мен шу аснода илғор фикрли йигит-қизлар сафи янада кенгайишига ишонаман.

*Саидақбархон АКБАРОВ — 1994 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Пойтахтимиздаги 5-умумтаълим мактабини тамомлаган. Айни вақтда Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университети талабаси. 2018 йилнинг август ойидан Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси ўринбосари вазифасини бажариб келмоқда.

Кейинги ассамблея ЎЗБЕКИСТОНДА ЎТҚАЗИЛИШИ МУМКИН

9-11 ноябрь кунлари Хитойнинг Дунфан шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ёшларининг ассамблеяси бўлиб ўтди. Йирик анжуман кун тартибига замонавий дунё хавфсизлигига таҳдид солаётган гоят жиддий муаммо — терроризм ҳамда экстремизмга қарши курашиш масаласи қўйилди. Ассамблея иштирокчилари — ўн битта мамлакатнинг илғор вакиллари мазкур иллатни бартараф этиш юзасидан таклиф ва ташаббусларини ўртага ташлади. Биз Ўзбекистон делегацияси раҳбари, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси ўринбосари вазифасини бажарувчиси Саидақбархон АКБАРОВ* билан учрашиб, тадбир тафсилотлари ҳамда унинг ассамблеядаги миссияси ҳақида билиб олдик.

ТЕЗ ОРАДА ЮРТИМИЗДА “ОЛТИН”, “ВАТАНДОШ” ҲАМДА “ИПАК ВИЗА”ЛАР ЖОРИЙ ҚИЛИНАДИ

этилли. Яна 39 мамлакат фуқаролари учун сайёҳлик визасини олишнинг соддалаштирилган тартиби амал қилмоқда. Бунга қўшимча равишда хозирда хорижий сармоядорлар учун ўн йил муддатга “олтин виза”, чет эл фуқаролигини қабул қилган, лекин айни пайтда Ўзбекистонга келиб, юртимиз раванкига ҳисса қўшишни истаган ватандошларимиз учун беш йил муддатга “ватандош визаси”, қолаверса, Буюк ипак йўлида жойлашган мамлакатлар учун “ипак виза”, деб номланувчи янги электрон тизимларни татбиқ этиш бўйича иш олиб бораёмиз. Мана шунга ўхшаш янгилик ва энгилликлар хусусида мен ассамблеядаги нутқимда батафсил тўхтадим. Делегациямиз томонидан ШХТга аъзо давлатлар ўртасида сай-

ёҳлик йўналишларини ишлаб чиқиш ва кейинги йили Ўзбекистонда Марказий Осиё давлатларининг сайёҳлик форумини ўтказиш ташаббуси ҳам билдирилди.

— Хитой мавзусидан бироз чет-лашсак. Ўзбекистонда ёшлар туризм ҳақида гапирмасиз-у, аммо, очиги, бу борада реал ишлар кўзга ташланмапти. Нега?

— Жуда яхши савол. Тўғри, ёшларимизга мамлакат ичида ҳамёнбоп нархларда саёҳат қилиш имконини берадиган инфратузилма ҳали шаклланимаган. Аммо бу билан мен ҳаракат қилмаяпмиз, демокчи эмасман.

(Давоми 2-саҳифада)

SPORT

ТАЛАБАЛАРНИ ДЎСТЛАШТИРГАН ЎЙИН



Термиз давлат университетиди. Ёшлар иттифоқи кубоги учун футбол мусобақасининг вилоят босқичи ўтказилди.

Мусобақада олий таълим муассасалари талабаларидан иборат жамоалар иштирок этди.

— Лойиҳа давомида талаба ёшларни оммавий спорт турларига жалб этиб, улар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишни ният қилганмиз, — дейди Ёшлар иттифоқининг вилоят кенгаши бўлими мудир

Ақбар Холмирзаев. — Майдонга чиққан ёшлар ўртасида дўстлик ришталари ҳам мустаҳкамланди. Бундай мусобақаларни кўпайтириш керак.

Яқинги натижага кўра, Термиз давлат университети, унинг Дено филиали шунингдек, Тошкент аграр университетининг жамоалари қучли учликдан жой олди. Ғолиб ва совриндорлар муносиб тақдирланди.

Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА

16-NOYABR — XALQARO BAG'RIKENGLIK KUNI

БИР ОИЛАМИЗ!

Пойтахтимизда “Бағрикенглик — миллатлараро ва динлараро муносабатларда инсон ҳуқуқларига риоя этишнинг асосий тамойили сифатида” мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси ташаббуси билан Халқаро бағрикенглик кунига бағишлаб ўтказилган тадбирда сенатор ва депутатлар, Миллий маданият марказлар, Ёшлар иттифоқи, диний конфессиялар вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар Ўзбекистонда 130 дан ортиқ миллат ва элат, 16 та диний конфессия вакиллари ҳамжихатликда, бир оиладек яшаётгани, уларнинг виждон ва эътиқод эркинлиги кафолатланганини таъкидлади. Жамиятда бағрикенглик тамойилини янада ривожлантириш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди. Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

Олмосбек НОЗИМЖОНОВ

КЕЛГАН — ЮТАДИ, ЎРГАНГАН — ЮКСАЛАДИ

Пойтахтимизда Глобал тадбиркорлик ҳафталиги давом этмоқда. Унда мутасадди вазирлик ва идоралар, нодавлат ташкилотлари, бизнес доиралар вакиллари, хорижий мутахассислар, фаол тенгдошларимиз иштирок этяпти.

Таъкидлаш керак, ҳар йили дунё бўйлаб 160 та мамлакатда ўтказиладиган мазкур ҳафталик юртимизда тадбиркорлик эконотизми яратилиши ва ривожлантиришида муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга, ушбу глобал лойиҳа Ўзбекистонга чет эл инвестицияларини жалб этиш, сармоядорларни мамлакатимиз ишбилармонлиқ муҳити билан яқиндан таништириш, тадбиркорлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ҳафталик доирасида малакали эксперт ва мутахассислар тадбиркорликка энди қадам қўйган йигит-қизлар учун маҳорат дарсларини ўтаётгани ҳам жуда муҳим жиҳат. Жонли мулоқотлар давомида ёшлар аудиторияси тадбиркорлар олдидаги тўсиқларни бартараф этиш, муаммоларга ечим топишда халқаро тажрибадан фойдаланиш, хизмат кўрсатиш соҳаси ва инновацияларнинг бошқа тармоқларини юксалтириш, аёллар ҳамда ёшлар тадбиркорлигини жадал



ривожлантириш каби долзарб масалалар муҳокама қилинмоқда. Глобал тадбиркорлик ҳафталигига хориждан таклиф қилинган меҳмонлар Тошкент шаҳридаги Турин политехника, Жаҳон инновация ва дипломатия университетлари ва бошқа олийгоҳларда бўлиб, талабалар билан қизгин мунозаралар олиб борапти.

— Олдинги йилга қараганда бу гал иштирокчилар сони анча кенгайган, — дейди Ўзбекистон ёшлар иттифоқи қошидаги Ёшлар тад-

биркорлигини қўллаб-қувватлаш маркази директори ўринбосари Санжар Ҳоҷиматов. — Илк бор Хитой, Россия, Исрондан тадбиркорларни жалб этдик. Улар ўзбекистонлик ёш ҳамкасблари билан фикр алмашмоқда. Кўпгина амалий таклифлар ўртага ташланяпти. Амниманки, бундай мулоқот ва муҳокамалар кейинги юксалишига ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди.

Маммура ХЎЖАҚУЛОВА

BUGUNNING GARI

Боборован ГОЗИДИНОВ

Жўра ака ўғирликда айбланди. Бирок ўзи бунни тан олмасди. Ҳатто ота-онаси ёнида сўроқ қилинганида ўғирлик қилмаганини айтиб, қасам ичди. Шунга қарамай, қишлоқ ахли шу пайтгача бировага зиёни тегмаган Жўра акани ўғри деб ҳисобларди. Негаки Жўра аканинг отаси Тоштемир бобо қолхоз идорасида ишлаган пайтида маҳалладошдан ишнин битириб бериш учун пул олган. Демак, болаларига харом лукма едиришдан ҳазар қилмаган. Бу эса, фарзандлари тарбиясига ўз таъсирини кўрсатмай қолмади.

Иллатнинг илдизини маърифат куриштири

Ўшанда мўсафидларнинг: “Хизмат ҳақи олган хар бир одамнинг фарзанди ўғирликка қўл ураверса, дунёда тўғри одам қолмайди”, деган жайлари фалсафаси кулгимни кистатганди. Шу гапга сира ишонгим келмасди...

Кўп ўтмай, Жўра аканинг чиндан ҳам ўғирлик қилгани исботланди. Тоштемир бобо бундай иснодга чидай олмай, қишлоқдан кўчиб кетди.

Яқинда айрим маҳаллий ҳокимлик мутасаддилари фалон сўм пора билан қўлга тушганини эшитгач, ўша воқеани яна эсладим. Бирок бу сафар мўсафидларнинг жайлари фалсафаси мени жиддий ўйга толдириди. Коррупциянинг илдизи қаерда, унинг жамиятимизда бурчлилик авж олишига сабаб нима, деган оғрикли саволлар менга сира тинчлик бермасди.

Аваллига тинчимиз осон битишини хоҳлаб, шу иллатни ўзимиз авж олдирикми, деб ўйладим. Аммо тарозининг иккинчи палласи ҳам бор. Шусиз ҳам ишингизни битириб бериши керак бўлган шахслар нега таъмагирлик йўлига ўтиб олди? Бу тоифа қаердан пайдо бўлди? Ахир, ҳалолликни ҳаёт шiori деб билган, адолатпарвар халқ эдик-ку!

Бир ҳақиқатни инкор этиб бўлмайди: хар қандай иллат маърифатсизлик — нарфга мук кетиш оқибатида илди этади.

Одатда очарчилик авж олган давр ҳақида гап кетганда Иккинчи жаҳон уруши йилларини эслаймиз. Бирок мушакил бўлганимиздан кейинги ўн-ўн беш йил мобайнида ҳам нон танкис эди. Кечагидек ёдимда, маҳалламиздаги кўпгина оилалар факат картошка еб кун ўтказар, ҳатто ўзига тўқлар ҳам жўхори унидан тайёрланган нон ер эди. Чўлда яшайдиган чўпонлар биз томонга келиб катта кўчорни бир коп унга алмаштириб кетарди. Ҳозир бу жонивор миллион сўм туради!

Бир томондан, пул қадрсизланиб, ишсизлик авж олганда. Одамлар қандай бўлмасин қора қозонини қайнатишга уринган. Табиийки, ўша вақтда маънавий тушунчалар иккинчи даражага тушиб қолганди. Баъзилар қолхознинг гафласини ўғирлай бошлади. “Ўғирлар” бугдойнинг дони пишар-пишмас тунда бошқоқ ўрмига чиқарди. Буни ҳамма билар, аммо ҳеч ким мик этмасди. Бутун бошли оила — эндигина суяги қотган боладан тортиб, то пенсия ёшига етган отагача тунги ўрмига отланарди. Тасаввур қиляпсизми, оила боши фарзандлари билан ўғирлик қилса-я!

Ўша пайтда одамлар чунонам ночор яшаган ва қундалик эҳтиёжини учун зарур миқдордагина дон ўғирлаган. Аста-секин жамиятда табақалар пайдо бўла бошлади. Ҳамма бирдан бой бўлишга интиди. Бир пиёла сув билан чанқоғи босилса-да, томоғи қақраган одам беихтиёр мейёрни унутиб қўяди. Бизда мол-мулкка интилиш худди шундай тус олди. Қаердан, қандай йўл билан бўлса ҳам кўпроқ пул топиш керак, деган тушунча шаклланди.

Маош камлиги сабаб аксарият одамлар, ҳатто, ўқитувчилар (!) ўзини тижоратга урди. Бозорда рақобат кучайгани сайин фирромлик урчиди. Тарозидан уриш, бошқаларни алдаб, пулини “шиланиш” ҳолатлари кўпайди. Бундай топармонлик усуллари орасида энг қулай коррупция ҳисобланарди. Шу боис гарчи бозоримиздаги фирромлик ва товламачилик профилактик чоралар эвазига йилма-йил камайса-да, лекин порахўрлик авж олаверди.

Ачинарлиси, коррупция домга ижтимоий соҳалар, биринчи навбатда, ёшлар камолоти учун хизмат қи-

лиши керак бўлган таълим тизими тортилди. Боғча опалару синф раҳбарлари болаларга байрамларда оладиган совғасига қараб муомала қиладиган бўлди. Ҳозир олий ўқув юрти талабаси баҳони савдолашиб олади. Шифокор оғир ахволдаги беморнинг яқинлари билан “савдо”ни пишитиб, кейин вазифасига киришади. Хуллас, коррупция иллоти шу йўсинда илди этиб бормоқда.

Тўғри, беш қўл баробар эмас. Айрим юрдошларимиз оғир кунда ҳам ўзлигига ҳиёнат қилмади. Лекин аксарият одамлар харом лукма ейишдан кўркмай қолди. Мана энди, уларнинг фарзандлари улғайиб, жамиятга кўшилди.

Ўтиш даврдан-ку эсон-омон ўтиб олди. Лекин ўзганин ҳақини ейишлар, афсуски, тўхтагани йўқ. Вазият биров айбдор деймаймиз. Бундан чикишнинг ягона йўли — тафаккуримизни ўзгартириш. Афсуски, ҳозиргача бировнинг ҳақи эвазига бойиётган фарзандини алқайдиган ота-оналар бор. “Оғзи қийишқ бўлса ҳам бойнинг боласи гапирсин”, деган мақол ҳам ўз кучида қолмоқда.

Коррупцияга қарши ҳукуматимиз жиддий кураш бошлади. Тегишли қонуни қабул қилди. Давлат дастури ишлаб чиқилди. Порахўрлик учун жавобгарлик кучайтирилган. Кўланқаси майдон баъзи мансабдор шахслар жавобгарликка тортилди ва тортилмоқда. Ўйлашимча, биз кўнгилдаги натижага эришиш учун булар етарли эмас. Негаки қонуний жазодан кўркишнинг ўзи самара бермайди.

Ҳар қайси инсон, аввало, маърифатга эҳтиёж сезиши лозим. Мана шу эҳтиёжини пайдо қилиш учун кейинги йилларда юртимизда китобхонлик кенг тарғиб қилинмоқда. Лекин бу йўналишда қилиниши керак бўлган ишлар талайгина.

Маълумотларга қараганда, мамлакатимизда 2 минг 898 та кутубхона мавжуд. Маҳаллалар сони эса, 10 мингдан ортиқ. Бундан чикди аксариятида кутубхона ташкил қилинмаган. Лекин деярли барчасида спиртли ичимликлар ёки тамаки маҳсулотлари сотиладиган дўконларни учратасиз. Ачинарлиси, дағиллама уйи, қўша-қўша машинаси бор айрим юрдошларимизнинг хонадонлари акалли битта китоб топилабди. Шахсий кутубхона ҳақида-ку, гапирмасам ҳам бўлади. Назаримизда, жамиятда порахўрлик иллатига мурокасиз муносабатни факат зиёлилар шахсий ўрнак кўрсатиши йўли билан шакллантира олади.

Ўқувчилик давримда тумандаги “Илҳом” адабий тўғарагага қатнардим. Бир сафдошимиз устозимизга конверт узатиб, отаси хат бериб юборганини айтди. Негадир устознинг ранги қоқдек оқариб кетди. Агар у конвертни индамай чўнтагига солиб кетганида, биз ҳеч нарсани билмасдик. Аммо Менгнор ака шўша-пиша конвертни очди. Ундан бир даста пулни олиб санай бошлади. Сўнг пулни жойига солиб қўйди-да, конвертнинг икки юзига тўлдириб хат ёзди. Нима ёзганини билмайман. Аммо кейинги сафар ўша йигит йигирмага яқин баддий китоб кўтариб келди. Устоз эринмасдан китобларга дастақ ёзиб берди. Кейинчалик ўша тенгқуримиз ижоддан узоклашди. Шундай бўлса-да, унинг ўйида ҳозир ҳам шахсий кутубхонаси борлиги ва устоз дастақ ёзиб берган китоблар жавонининг тўридан жой олганига шубҳа қилмайман.

Ишонаман, орамизда Менгнор ака каби ёшларга ибрат бўла оладиган инсонлар кўп. Факат уларни халққа танитиш, ҳалол меҳнатини рағбатлантириш керак.

Кейинги ассамблея
ЎЗБЕКИСТОНДА
ЎТҚАЗИЛИШИ
МҲМҚИН

(Бошланиши 1-саҳифада)

Танганин иккинчи томонини ҳам инобатга олиш керак. Била-сиз, юртимиз сайёхлик саноати-

ни мажбурлай олмайди. Ягона йўл — туристик хизматларга талабни ошириб, сайёхлар оқимини кенгайтириш. Шунда нархлар ўз-ўзидан арзонлашади. Ахир, мижоз кўпайди-да!

ДЕЛЕГАЦИЯМИЗ АЪЗОЛАРИ
МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИНИНГ
САЙЁХЛИК ФОРУМИНИ ЎТҚАЗИШ
ТАШАББУСИНИ ҲАМ БИЛДИРДИ

нинг асосий вакиллари — тadbиркорлар. Бизнес эса, ҳаммаша даромад олишни хоҳлайди. Битта турфирма ўқувчиларни сайёхат

ўзининг зарарига ишламайди-ку. Меҳмонхона эгаси, авиа ёки темир йўл компаниясидан ҳам бунни кутиш бефойда. Давлат ҳам улар-

ни мажбурлай олмайди. Ягона йўл — туристик хизматларга талабни ошириб, сайёхлар оқимини кенгайтириш. Шунда нархлар ўз-ўзидан арзонлашади. Ахир, мижоз кўпайди-да!

Юқоридаги мантандан келиб чикиб, тез кунда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан ҳамкорликда янги лойиҳани ишга туширмоқчимиз. Унга қўра, барча худудлардаги ёшлар марказларида катта ҳажмдаги Ўзбекистон харитаси ўрнатилди. Мактаб жамоалари ўша шахарга сайёх сифатида борганида харитада ўзи ҳақида бирон эсдалик қолдириб кетади. Жараён ижтимоий ролик сифатида телеканалларда мунтазам намойиш қилиб борилади. Фикримча, шу тахлит ёшларда саёхат қилиш иштиёқини кучайтириш мумкин. Пировард натижада, бундай ўзига хос эстафета (меҳанизм) ёшлар туризми ривожига сезиларли таъсир кўрсатиши керак. Ҳар холда, бунга умид қиляпмиз!

Лекин бу ҳали ҳаммаси эмас. Ўқув йили якунида энг кўп саёхат қилган ўн та мактаб фаоллари учун Марказий Осие бўйлаб саёхат уюштириб берамиз.

— Эшитишимча, Дунфан шахридаги анжуманда катнашган тендошларимиз Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо

— Эшитишимча, Дунфан шахридаги анжуманда катнашган тендошларимиз Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо

давлатлар ёшларининг навбатдаги ассамблеясини Ўзбекистонда ўтказиш таълифи билан чикди.

— Ҳа. Тақлимимиз кўпгина делегатларга манзур бўлди ҳам. Энди у атрофлича кўриб чикилмоқда. Шунинг ўзи биз учун катта натижа.

— Республикаимизда биринчи мартаба ўтказилажак Марказий Осие давлатларининг сайёхлик форуми ҳақида нима дея оласиз?

— Дарвоқе, бу ассамблея минбаридан янграган иккинчи тақлимимиз бўлди. Сайёхлик форуми, аввало, қўшнилар билан дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш учун

ТУРИСТИК ХИЗМАТЛАРГА
ТАЛАБНИ ОШИРИБ,
САЙЁХЛАР ОҚИМИНИ
КЕНГАЙТИРИШ КЕРАК.
ШУНДА НАРХЛАР ЎЗ-
ЎЗИДАН АРЗОНЛАШАДИ...

керак. Очиғини айтаман, бир минтақада яшаб туриб бир-биримиз ҳақида кам маълумотга эгамиз. Вазиятни ўзгартириш учун мамлакатимиз ёшлари Қозоғистон, Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистонга бориб, шахару қишлоқларини томоша қилиши, халқ ҳаёти билан танишиши, бошқача қилиб айтганда, саёхат қилиши керак. Марказий Осие давлатларининг сайёхлик форуми замирида ана шу мақсад ҳам ётибди. Қардош дўстларимиз келсин, бутунги Ўзбекистон билан танишин. Шунда қайта алоқа, узаро аҳборот алмашинуви пайдо бўлади. Келгуси форумларни навбатма-навбат минтақанин бошқа давлатларида ташкил қилиш мумкин.

Наргиза УМАРОВА

SHUNDAY MARKAZ BOR

Клара ХУДОЙБЕРГЕНОВА

ЭШИГИ ҲЕЧ ҚАЧОН
ЁПИЛМАЙДИ

Республика ёшлар маркази ҳақида эшитгандирсиз. У ёшлар иттифоқи тизимига қирувчи ташкилот. Ташкилот бўлганда ҳам анча йирик ва кенг қамровлидир. Марказ бўлинмалари юртимизнинг барча худудларида фаолият кўрсатмоқда. Гап замон талаблари асосида барпо этилган, барча қулайликларга эга, янги ва кўркам бинолар ҳақида. Ҳарқалай, асосийси уларнинг ташқи кўриниши эмас, балки мазмуни. Ёшлар марказларида эса, сизга айтсам, ҳаёт, том маънода, қайнайди. Ана шундай қайноқ жараёни Нукус шахридаги муассасага қирибок пайқадик.



Республика ёшлар маркази Қорақалпоғистон бўлимининг эшиклари ёшлар учун ҳеч қачон ёпилмайди. Кунт, иштиёқ бўлса, бас. Қуни бўйи шу ерда вақт ўтказсангиз ҳам биров индамайди. Ақинча, кўрган одам шунча имкониятлардан фойдаланаётганингиздан қувонади, керак бўлса, ҳавас қилади. Марказда йигит-қизлар турли касб сирлари ҳамда чет тилларини ўрганиши мумкин. Шароитлар тўқис. Исталган тўғаракка ёзилиб, бемалол билим олавер.



— Мени марказга журналистикага қизиқиш бошлаб келди, — дейди “Ёш репортёрлар” клуби аъзоси Манзура Тўребекова. — Мана, етти ойи устозлар кўмағида соҳа сирларини кунт билан ўрганиб келяпман. Яқинда ташкил қилинган “Jaslar TV” телеканалда мобил репортёр ҳамда бошловчи сифатида ишга кирдим. Ёшлар нашрларида ҳам мақолаларим чоп этилиб турибди.


Ёшлар марказининг шинам кутубхонасида ҳам бўлди. Унда салкам 5 минг 300 та адабиёт жамланган. Жавонларда шеъррий тўпламлардан тортиб, ўзбек, қорақалпоқ ва жаҳон адабиётининг энг сара намуналари, қолаверса, болалар учун чиқарилган китоблар, инглиз ҳамда рус тилларидаги адабиётлар, сиёсий-ҳуқуқий нашрлар ҳам талайгина.

Ҳозирда марказга жалб қилинган йигит-қизлар компьютер техникаси, дастурлаш асослари, тасвирий ва амалий санъат, журналистика, сартарошлик, дизайн, хореография, актёрлик маҳорати, режиссура бўйича тўғарак машғулотларига қатнамоқда. Келгусида тиниб-тинчимас тендошларимиз ушбу соҳаларнинг етук мутахассислари бўлиб етишса, ажаб эмас.



SUNBATDOSH

САДОҚАТНИНГ ОЛМОС ҚИРРАЛАРИ



Мамлакатимиз миллий тикланиш босқичидан миллий юксалиш босқичига ўтди. Мисли қўрилмаган бунёдкорлик шиддати ҳамма жойда намоён. Бундай шароитда ёшлар маънавиятида, характерида қандай фазилатлар намоён бўлиши керак. “Yoshlar ovozi” бу борада зиёлиларнинг фикрини билишга ҳаракат қилади. Илк суҳбат Ватанга садоқат ҳақида. Суҳбатдошимиз — Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбарининг биринчи ўринбосари, педагогика фанлари доктори, профессор Муҳаммаджон Қуронов.

— Азалдан халқ раҳнамолари ёшларни Ватанга садоқатли бўлишга даъват қилиб келган. Хар бир замон, давр улардан муайян фазилатларни кутган. Ёшларга давр талаб қилаётган, замон қаҳрамонларига хос фазилатларнинг маъноси тушунирилган. Улар фазилатлар тўғрисидаги билимлар билан қуроллантирилган. Бу эса, бугунги кун учун энг зарур фазилатларнинг ёшлар ҳулқ-атворида кўчишига хизмат қилган. Бунинг боси нимада?

— Ҳозир ҳам шундай. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталарига йўллаган Мурожаатномасида “Ўзимиз ўзимизга хиёнат қилмасек, ўзимиз ўзимизни алдамасек, ҳалол-поқ бўлиб меҳнат қилсак, мен аминман, кўзлаган барча марраларимизга албатта етамиз...”, дея маъсулятга, сафарбарликка, Ватанга садоқатга даъват қилгани бунинг яққол мисолидир. Чунки бугун кечадек ўйласак, ишласак, кечадек яшайверамиз. Биз кеча миллий тикланишга интилган бўлсак, энди миллий юксалиш фазасига кирдик. Юксалиш тикланишдан кўра кўп куч, энергияни талаб қилади. Чунки юксалиш — интенсив характер.

— Инсоннинг ватанпарварлиги бозор иқтисодиёти шароитида қандай бўлади? Ҳамма ўзи учун яшаса, меҳнат қилса...

— Ватан — 33 миллион хужайрани ўзида бирлаштирган, бағрига босган замин. Тарихимиз ҳам, тақдиримиз ҳам шу Ватанда — Ўзбекистонда. Бир фарзанд сифатида унга қилдиган хизматимиз қандай, қанча бўлиши хар биримизнинг Ватанга садоқатни бугун қандай тушунишимизга, унга қанчалик амал қилишимизга боғлиқ. Бундай пайтда “Биз бир оддий одам бўлсак, бизга қараб қилибдими? Бошқалар бор-ку”, — деб, ўзини четта олиб турувчилар ҳам бўлган, бор. Бирок бу юмшоқ қилиб айтганда — локайлик, бифарқлик, бегоналик. Локайд қанча кўп бўлса, содиқ ватанпарварлар елкаси шунча кўпроқ қаварлади.

— Бундай бўлмаслиги учун нима қилиш керак?

— Ватанга содиқлик нимада кўрилади? Дилдами, тилдами, қўлдами, ишдами, деган саволга хар бир йингит-кизиғинг ўз жавоби бўлиши керак. Бошқача айтганда, садоқатни кинофильм, спектакль, китоблардан ҳаётга олиб чиқишимиз керак. Токи тўрт томонимизда ватаним, деб ўз соҳасида шижоат кўрсатаётган миллионлаб йингит-кизиғини кўрайлик. Акс ҳолда, садоқат дилда, ё тилда қолиб кетиши мумкин.

Ватанга содиқлик — фазилат. Тарбия, маърифат ҳосиласи. Ватанга садоқат бугун биздан нималарни талаб қилапти? Меҳр ва сафарбар-

ликни, амалий ишларни. Президентимиз ибораси билан айтганда “Барчамиз бир ҳақиқатни чуқур тушуниб, англаб олишимиз керак: бугун гап халқимиз, Ватанимизнинг тақдирини ва келажагини, жондан азиз болаларимизнинг бахти ва камоли ҳақида бормоқда. Шундай улғу мақсадлар йўлида барчамиз белимизни маҳкам боғлаб ишлашимиз, бор ақл-заковатимиз, билим ва тажрибамизни, жонанжон Ватанимизга фарзандлик меҳримиз ва садоқатимизни сафарбар этишимиз керак”.

— “Садоқат” сўзини эшитганимизда кўхна тарих, Соҳибқирон Амир Темур, Жалолиддин Маъгуберди, жадид болаларимиз, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг жасоратлари гавдаланади. Бугун-чи? Садоқат ўзи нима? Бу саволга жавоб топши ёшлар учун қизиқ, албатта...

— Тўғри айтдингиз. Чунки улар ўз замонаси даъватидан келиб чиқиб, Президентимиз айтганидек, “бор ақл-заковати, билим ва тажрибасини, жонанжон Ватанимизга фарзандлик меҳри ва садоқатини сафарбар этган”. Бугун Ҳаракатлар стратегияси биздан садоқатнинг маъносини бугунги кун шиддатидан келиб чиқиб тушунишни талаб қилмоқда. Бу биздан садоқатни ҳам эртага, келажақда ёки фақуллода ҳолатда эмас, бугун, ҳозир кўрсатишни талаб этади.

“Сафарбар садоқат” (ишлаётган садоқатнинг бугунги талаблари, риояси қандай? Бугун Ватанга содиқ инсон қандай бўлиши керак? Ватан биздек ўғил-қизларидан ёлчиши учун биз амалда нималар қилишимиз, нималардан тийилишимиз керак? Ёки нега байроғимизни, ундаги мовий ранг — садоқат тисолини бошимиздан ҳам баланд тутамиз, деган саволларга шахсий жавобларимиз бўлиши керак.

Масаллага илмий ёндашмасак, садоқат баландпарвоз сўзга айланади. Адашамиз. Чунки илм — ҳолислик дегани. Садоқат нима? Илмий адабиётларда унга — одамнинг қудрати, унга таъсир қиладиган воқеа, ташқи ёки ички омиллар, алдовлар қаршиликка дош берувчи, тобланган ички “умурткаси” кучининг намоён бўлиши; одамнинг ўзи айтган сўзлари, позицияси, ёндашуви ҳақиқатга қаттиқ ишонishi, дейилади.

Садоқат — одамнинг Ватани, унга ишонган, уни севган кишилари олдидаги бурчини англашдан келиб чиқувчи фидойилиги. Жавонмардлик. Унинг маъноси “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да дўстлик, бирдамлик, самимийлик; чин қалбдан берилганлик; содиқлик, вафодорлик деган садоқатга қариндош сўзларда очиб берилган.

Садоқат миллий қаҳрамонларимизнинг бош фазилати бўлган. У бегоналардан умид қилинмайди. Дўстлардан, фарзандлардан кутилади. Қаранг, шунинг учун ўзбек боласига Содиқ, Сиддик, Садоқат, Сиддика, Муҳаммадсодиқ, деган исмлар қўяди. Халқ шоири Эркин Воҳидов садоқатни “Ўғлон, оқил, мард бўлгин, мардлик — элга садоқат”, яъни оқиллик ва мардликнинг йиғиндиси, деган эди.

— Садоқат синонга ҳам ўхшайди. Унинг синовларидан ўтиш осон эмас. Шундай эмасми?

— Садоқат — инсондаги кучли характер белгиси. У одамнинг ўз бурчини англашдан бошланади. Бурчини оқлаш учун тўсиқ ва қийинчиликлардан чекинмасликни, тоймасликни, қайтмасликни, уларни мардона, чидам билан баргараф қилишни, ўзини қийнашни, қалғитувчи манфаат, энгиллик, макр-алдовларга учмасликни, қанча қийин бўлмасин, унга ишониб топширилган ишончини оқлаб, натижага эришишни, матонатли бўлишни талаб қилади.

Катта ишонч қатта садоқатни талаб қилади. Уни оқлаш учун одамдаги барча яхши фазилатлар оёққа туради, ишга тушади. Садоқат эгасининг юзини ёруқ қилади. Бундан одамнинг ўзига ишончи, ҳурмати ошади. Одамлар олдида тутган ўрни, кадр-қиммати мустаҳкамланади. Бошқаларнинг унга ҳурмати, дўстлиги, муҳаббати ошади. Бу эса, хар бир инсоннинг орзуси, шундай эмасми?

Аслида хар бир кишида у ёки бу даражада Ватанга садоқат бор. Гап ана шу садоқатни ошириб, ўзини хар кун, ўз иш жойида сафарбар этишда. Барча соҳаларда Ватанга садоқатни намоён қилиш учун имкониятлар кўп. Айрим ёшларимиз қалбда Ватанга садоқат туйғуси лимбо-лим. Бирок буни қандай намоён қилишни билмайди. Улар буни қандайдир фақуллодаги вазиятларда намоён бўлади, деб ўйлайди. Қўч-ғайрати бор, аммо уни қаерга сарфлашни билмайдиган кишидек. Бу савол нафақат бизнинг, балки дунёнинг кўпчилик ёшларида бор. Демак, қайси мамлакат ёшларида мана шу ғайрат, пок ният ривожлантирилса, мақсадга йўналтирилса, ўша юрт тез ривожланади. Юксалади.

— Ватанга садоқат давлат хизмати билан боғлиқ тушунчани?

— Нафақат вазирлик, давлат идораларида ишлаётган хизматчилардан, балки барча соҳа ходимларидан кутиладиган амал, компетенция. Фазилатларга соҳавий ёндашув методологиясининг аниқлиги, амалий ва ҳаётининг ҳам шунда-да! Чунки унда устоз-шогирд садоқатини Имом Бухорий билан Исо Термизий муносабатларида, тадбиркор садоқатини олижаноб халқимизга хизмат

қилишида, харбийлар садоқатини мардлик ва жасоратда, зиёли садоқатини илм-фанни ривожлантириш, миллатимизнинг ақл кўзини очиш функцияларида экани очиб берилган.

Ўқитувчи-мураббийларнинг Ватанга садоқатининг бош жиҳати ёшларимиз қалби ва онгига она Ватанга садоқат туйғусини синдиришда экани очиб берилди. Бунга тарбия, тарбия ва фақат тарбия ҳисобидан эришилиши аниқлаб берилди. Гап шундаки, садоқатнинг зидди — хиёнат ҳам соҳавий хусусиятга эга-да.

— Бунинг дунёвий мисоллари борми?

— Албатта. Таълим соҳасида хиёнатнинг нималарга олиб келишига бир мисол. Дунёнинг нуфузли олий ўқув юртиларидан бири — Жанубий Африка университети (UniSA) га кираверишда мана бу ёзувни ўқийсиз:

“Миллатни йўқ қилиш учун атом бомбаси ёки олис масофага учувчи ракеталарни ташлаш шарт эмас. Таълим сифатини пасайтириб, ўқувчиларнинг ёлгон гапиршига рухсат берилса, бас. Ана шунда:

бундай врачлар қўлидан касаллар ўлим топади.

Бундай инженерлар дастидан бинолар қулайди.

Бундай иқтисодчи-бухгалтерлар давлатни молиявий инкирозга элтади.

Бундай дин пешволари дастидан инсоният ўлимига юз тутади.

Бундай юрист ва судьялар туфайли адолат йўқолади.

Бундай қонуншунослар дастидан бошқарув йўқолади.

Таълим инкирози — миллат инкирози.

Мана шу мисол ҳам таълимдаги касбий садоқатнинг аҳамияти нақадар юқори эканини кўрсатади.

— Президентимиз томонидан элчининг ватанпарварлиги масаласига алоҳида эътибор қаратилиши ҳам соҳавий маънавиятни тушунишда қатта янгилик бўлди.

— Тўғри. Президентимизнинг “Биз қандай маррага эришмоқчи бўлсак, унга фақат она юртимизга меҳр-муҳаббат, садоқат ва фидойилик билан эришамиз”, деган фикрлариде садоқатнинг умумий ва хусусий, соҳавий моҳияти очиб берилган. Демак, бугун биздан меҳнат-да, ишда ўз касбий бурчига садоқат талаб этилмоқда. Бу хар биримизга хар кун берилаётган имконият. Масалан, спортчи ёшларимизнинг Ватанга садоқати уларнинг галабаларида намоён бўлаётди. Айни вақтда ёшларимизга ибрат бўлиб, уларда Ватанга садоқатни тарбияламоқда.

Ватанга садоқат нафақат спорт, балки интеллектуал кураш майдонларида ҳам намоён бўлади. Ўзбекистон Миллий университетининг математика факультети талабаси Ҳакимов Эгамберганов бунинг яққол намунасини кўрсатди. У қаторасига уч йил — 2014, 2015, 2016 йилларда математика бўйича халқаро фан олимпиадаларида олтин медални қўлга киритди. Юртбошимизнинг: “Шундай билимли, баркамол, Ватанга садоқатли фарзандларимиз қанча кўпайса, Ўзбекистоннинг келажаги шунчалик буюк бўлиши муқаррар”, — деган эътирофига муяссар бўлди.

— Садоқат деганда ўзбек аёли кўпларга ибрат бўла олади. Шундай эмасми?

— Ўзбек аёли азалдан садоқат рамзи бўлиб келган. Оиламиз чароғонлиги хотин-қизларимиз садоқатидан эканига ўрганиб қолганми. Кўпинча “Ҳа, энди шундай бўлиши керак-да”, деб эътибор қилмаймиз. Ваҳоланки, дунёдаги энг буюк санъат асарлари, қўшиқ-қасидалар, қасрлар сиддиқа аёлларга бағишланган. Бу фикрни қадимий ривоятлар ҳам тасдиқлайди. Мана улардан бири:

“Бир шаҳарни ёв босиб, ҳаммани асир олади. Душман лашкарбошиши шаҳар аҳлини бир майдонга тўплаб: “Мен шаҳарнинг хотин-қизларини асирликдан озод қилмоқчиман.

Эртага тонгда хотин-қизлар ўзлари кўтарганича керакли нарсаларини олиб, чиқиб кетсин”, — дейди.

Тонгда лашкарбоши шаҳар дарвозаси олдида келади. Манзарани кўриб, ларзага тушади. Чунки шаҳар дарвозасидан момолар, аёллар, ўсмир қизлар ўзларининг нозик елкаларида оталарини, ака-укаларини, севган ёрларини, эрларини, ўғилларини орқалаб чиқиб кетарди. Хотин-қизларнинг садоқати туфайли шаҳарда битта ҳам асир қолмайди”.

— Садоқат соҳавий хусусиятга эга бўлса, унинг зидди хиёнат ҳам шундай бўладими?

— Худди шундай. Одам қийин муаммога дуч келганида уч йўлдан бирини тутади. Бурчига содиқ қолиб, қурашиб, муаммони хал қилиб; индамай ташлаб қўйиб ва муаммодан қочиш. Ана шу ҳалхаларда шайтон хиёнатга қозиллик қилади. Ношукрликка, ўз зиммасига олган бурчини, маъсулятини адо этишда қочишга аврайди. Ана шунда дарсни сифатсиз ўтиш, таъмирни номига қилиш, ишга кеч қилиб, эрта кетиш, ўзи қўл қўйган шартнома шартларини бузиш, солиқдан қочиш, тарозидан уриб қолиш, жиноятни ашириш, қарз олиб кеч қайтариш ёки умуман қайтармаслик, ёлгон ҳисобот бериш, осон ҳал бўладиган ишни пайсалга солиш, мансабини сунистьемол қилиш, кўзбўямачилик, соғни бемор, беморни соғ деб маълумотлар бериш каби ҳолатлар учраши мумкин. Ана шунда устозлик, қурувчилик, ҳодимлик, ҳамюрлик, дўстлик, хизмат буриш, касбий, функционал вазифа, хизмат кўрсатиш соҳаларида билдирилган ишончлар оқланмай қолади. Бундай ҳолатлар миллий юксалишимизга қатта-кичик тўсиқларни пайдо қилади.

— Бундай номаъқул ҳулқнинг олдини олиш учун нима қилиш керак?

Одам болаликдан кичик-кичик “садоқат-хиёнат”ларни кўриб ўлғаяди. Масалан, ота ё она боласига бирон нарсани ваъда бериб, бажармайди. Бир гапни ўз вақтида айтиш керак — айтилмайди, эртароқ келиш керак — кеч келинади. Вақтида кетиш керак — эртароқ кетилди. Ўзини қийнаши керак, қийнамайди. Ўзи қилиши керак бўлган ишни бировга “қараб қўй”, дейди. “Нега бундай қилдингиз?” десангиз, “Бир марта-ку, нима кипти? Ўзингиз шундай дегандек бўлувдингиз-ку! Озгина-ку. Ўтиб кетади-ку. Ҳамма шундай қилади-ку. Ҳеч ким сезмади-ку”, деб оқланади. Булар — хиёнатнинг юмшоқроқ, бошқа сўзлар билан “оқланадиган” кўринишлари, симптом, сигналлари. Бундай муҳитда маъсулятсизлик, оғирнинг устидан енгилнинг остидан юриш айб саналмай қолади.

Хиёнат тугма иллат эмас, номаъқул тарбия мақсули. Ўз вақтида ота-она, устозлар болаларни сўз билан иш бирлигига, маъсулят, садоқатга одатлантирмаганининг оқибати. Нима қилмоқ керак? Яна, яна ва яна маънавият, яна тарбия. Бунинг учун хар бир болада Ватанга садоқатнинг ёшига мос табақалашган даражасини қафолатли таъминлаб боришимиз керак. Тарбия масаласида ота билан онанинг дили, тили бир бўлиши керак. Баъзида ота “йўқ”, деб, она “хўп”, дейди. Бола бир муаммонинг икки хил ечими бўлиши мумкинлигини кўриб, ҳайрон бўлади. Оталар қўпинча меҳнатни роҳати, оналар — меҳнатсиз роҳатни таклиф қилади. Бола ўш марта мақсадга меҳнат қилиб эришса тўғриликка, ўш марта меҳнатсиз эришса-чи? Тайёрга айёрликка ўрганади. Ундан кўз-бўямачиликка йўл очилади.

Ҳаётини қузатувлар шундан даволат берадики, бола бутун умри давомида олиши мумкин бўлган ҳаётини муҳим ахборотларнинг етмиш фоизини беш ёшга олади. Демак, фарзандларимиздаги фазилатлар ёхуд иллатлар улар ҳаётининг дастлабки босқичи — болалигидаёқ шаклланади. Бу даврда улар биз, катталарнинг изминизда бўлишини назарда тутиб, айна маъналада нечоғлик маъсул эканлигини англаш қийин эмас.

Барчиной ХАМИДУЛЛАЕВА

DILDAGI GAFLAR

Dilnoza ABDUHAMIDOVA

Sevgida quyosh kabi bo'l.
Do'stlik va qardoshlikda oqarsuv kabi bo'l.
Birovlarning xatolarini yopishda tun kabi bo'l.
Tavozeda tuproq kabi bo'l.
G'azab o'zida o'lik kabi bo'l.
Har ne bo'lsa bo'l — yo' asling kabi ko'rin,
yo ko'ringaning kabi bo'l!

Jaloliddin RUMIY



O'zligingni unutmasang bo'lgani

O'qish yoki ish yuzasidan poytaxtga borib-kelgan tanishlarimdan "Toshkentda muhit qanday?" — deb so'rganimda, ko'pchiligi: "U yerda hamma narsa bor, biroq mehr yo'q!" — deb javob berar edi. Shundanmi, poytaxt desa ichimda nuqul hadik paydo bo'lardi.

Taqdir taqozosi bilan respublika gazetasi viloyat muxbiri bo'ldim. Odatda tahririyatdagi ijodiy xodimlar bilan yilda ikki yoki uch marotaba ko'rishamiz.

Oxirgi majlisda o'rtaga tashlangan taklif barchamizga ma'qul bo'ldi. Unga ko'ra, viloyat muxbirlariga tahririyatga kelib, bir hafta-o'n kun ish o'rganish, tajriba orttirish imkoniyati yaratildi. Bundan, ayniqsa, men va xorazmlik dugonam — Sunbuloy juda quvondim. Chunki ikkimiz ham jurnalistika sohasiga endigina qadam qo'yganimiz. Shu sabab tahririyatga birinchilardan bo'lib kelishga shaylandik.

Ana-mana deguncha, oktabr oyi ham eshik qoqib keldi. Navoiylik yosh ijodkorlarning qoralaganlarini gazeta va jurnallarga berish, shu bahonada hamkor-

likni yo'lga qo'yish maqsadida bir haftaga poytaxtga boradigan bo'ldim. Albatta, fursatdan foydalanib gazetamiz tahririyatida ham ish o'rganishni reja qildim.

Erta tongdan Navoiy-Toshkent yo'nalishidagi avtobusga o'tirdim. "Toshkent ming qilsa ham poytaxt-da. Har xil odam bor. U yer sening kichkinagina shaharchang emas. Hammaga ham ishonib bo'lmaydi. O'zingga ehtiyot bo'l, qizim". Qulog'im ostida onajonimning mana shu so'zlari jaranglardi. Ustiga-ustak, hamrohimi Umidaning: "Opa, u yerdagi gazetalarda ishlaydigan jurnalistlar biroq qo'rs bo'ladi, deb eshitgandim. Bir hafta chiday olasizmi? Menga-ku, maza, shahar aylanaman. Siz qiyinalib qolasiz-da", — degan gapi yuragimni battar ezardi.

Xullas, to'qqiz soat deganda manzilga yetdik. Sershovqin yo'llar, bir-biridan o'zishga harakat qilayotgan avtoulavlar, ko'zni qamashtiruvchi binolar, yorqin chiroqlar... Poytaxtning hayoti o'zgacha.

Umida akasinikiga, men esa, Chirchiqdagi kursdosh dugonamning uyiga joylashdim. Ertasi kuni tahririyatga yo'l oldim. Amir Temur xiyobonini kesib o'tar ekan-

man, qalbidagi xavotir menga hech tinchlik bermasdi.

Nihoyat, tahririyatga keldim. Qabulxonada menga peshvoz chiqqan yigit bosh muharrirning xonasini ko'rsatdi.

— Assalomu alaykum, ustoz.
— Voalaykum assalom. E, keling-keling. Qaysi shamollar uchirdi? Navoiy tinchmi?

Ish o'rganishga kelganimdan mamnun bo'lgan boshlig'imiz Nargiza opa uchrashimni, nima yordam kerak bo'lsa, u kishiga murojaat qilishimni tayinladi.

Nargiza Umarovaning xonasiga yo'l oldim. Eshikni astagina taqqillatib, kirdim.

— Assalomu alaykum, opa. Uzr! Bezovta qilmadimmi? Biron yumush bilan band emasmidigiz?

— Keling Dilnazaxon, men bo'sh o'tirmayman, — dedi-yu, tahrirdan boshini ko'tarmadi.

Ana, xolos! Qovun tushirdim, shekilli, degan o'y xayolimdan o'tdi.

— Dilnoza, yuring sizni muxbirlar xonasiga joylashtirib qo'yaman. Hamma sharit bor. Faqat ishlasangiz bo'lgani.

Muxbirlar — To'maris opa, Ma'mura, Nozima meni iliq qarshi oldi. Ishga tezda sho'ng'ib ketdik.

Hafta davomida ijodiy jamoaning har bir a'zosi — bosh muharrir Faxriddin Karimov, Nargiza Umarova, Boboravshan G'oziddinov, Javlon Vafoyev, Erkin Abdusattorov, Xurshid Abdullayev kabi jonkuyar hamkasblarimdan juda ko'p narsalar o'rgandim.

Gazetani tayyorlashning mashaqqatini aytmaymizmi? Kotibiyatga tushgan materiallarni saralash, tahrir qilish, sahifaga joylashtirish, xato o'tkazib yubormaslik uchun har bir sahifani takror va takror hijjalab o'qishning o'zi bo'lmaydi. Gazeta nashriyotga tungi soat 1-2, hatto 3-4 larda topshirilishi mumkin. Bugun yoshlar sevib mutolaa qiladigan "Yoshlar ovozi" gazetasi o'qishli bo'lishiga balki shu zahmatlar sabab bo'layotgandir.

Vaqt — oliy hakam. Safardan olam-olam taassurotlar og'ushida uyga qaytar ekanman, ko'nglimda ajib hislar jo'sh urardi. Shunda tahririyatdagi bir hamkasbimning tushlik vaqtida aytdan hikmatini yodimga tushdi: "Dunyoni o'zgartirmoqchi bo'lsang, avval o'zing o'zgar". Aslida bu gapning zamirida oddiy haqiqat bor. Qayerda bo'lishingdan qat'i nazar, o'zligingni unutmasang bo'lgani. Shunda poytaxtmi yoki kichik qishloq odamlarini, senga qalbini ochib beraveradi. Demak, xavotirga o'rin yo'q!

7. Qit'a. 8. Kimyoviy element zarrasi. 9. Asosan poytaxtda yuradigan transport. 10. Organizmga zarur organik modda. 11. Sut tarkibidagi shakar. 12. Ko'rkam gul. 13. Xorazm raqs kuyi. 14. Yunon harfi. 15. Fransuz adibasi. 16. Kuch o'lchovi. 17. Angliyada qo'llaniladigan yer o'lchov birligi. 18. Ispaniya futbol jamoasi. 19. Optik shisha. 20. Fosfat o'g'itlar tayyorlash ma'dani. 21. Poyga mashqlari o'tkaziladigan joy. 22. Havosiz qizdirish yo'li bilan toshko'mirdan hosil qilinadigan yoqilg'i. 23. Baxt. 24. Stadionidagi ekran. 25. Qimmatbaho metall. 26. Boksda holat. 27. Metall arqon. 28. Kamalak o'qlari joylanadigan anjom. 29. Qat'iy so'z. 30. Kuy ijrosi. 31. Butunning bo'lgi. 32. Pochta haqi hujjati. 33. Libos qismi. 34. Samolyotlar saqlanadigan joy. 35. Transportning ma'lum yo'nalish bo'yicha qatnovi. 36. So'z turkumi. 37. O'zbek xalq maqomi. 38. Ma'rifatli, dono inson. 39. Kimyoviy element. 40. Yevropadagi shahar. 41. Shaxs ixtiyorida bo'lgan majmui. 42. Ichimlik tayyorlanadigan doim yashil tropik o'simlik. 43. Oiladagi katta farzand. 44. In'om. 45. Suyak kasalligini davolovchi mutaxassis. 46. Insonning go'zallikni his etish qobiliyati. 47. Nafasni qaytaruvchi ob-havo. 48. Temirni o'ziga tortuvchi narsa. 49. Qishloq xo'jaligi texnikasi. 50. Son bilan ifodalangan miqdor.

MUAMMONOMA. Kalit so'zlar:

1. Sharx xalqlarining mutafakkir shoiri — 7, 8, 2, 1, 5.
2. Vatanimiz janubidagi gaz koni — 12, 14, 10, 15, 3, 4.

3. Noma'lum sonni ifodalashda qo'llaniluvchi yunon alifbosidagi harf — 1, 11, 6.
4. Musiqa asbobi — 13, 3, 4, 9.

Endi kalit so'zlaridagi harflar bilan shaklining kulrang xonalaridagi raqamlarni almashtirish orqali muammonamni yeching. Shunda qomusiy alloma Abu Ali ibn Sinoning hikmati kelib chiqadi.

Tuzuvchi: Foziljon ORIPOV.

PSIXOLOG MASLAHATI

— Yoshim 24 da. Bir yigit bilan sakkiz oy oldin unash-tirildim. U xorijda o'qiydi. Oxirgi paytda menga bee'tibor bo'lib qoldi. Keyin bilsam, o'zidan uch-to'rt yosh katta, eridan ajrashgan ayol bilan uchrashib turarkan. O'sha ayol menga qo'ng'iroq qilib, ularni tinch qo'yishimni talab qildi. Bundan ota-onam, mahalla-ko'y xabar topsa, sharmanda bo'lishdan qo'rqayman. Boshim qotgan, nima qilay?

Anonim muallifdan

Savolga psixolog Shahnoza SHAMSIDDINOVA javob beradi:

— Unash-tirilgan insoningizning hayotida sizdan boshqasi bor ekan, baxtingiz to'kis bo'lishi qiyin. Barchasi o'sha yigitga bog'liq. Bir qizni band qilib, fотиha o'qitirib, keyin boshqasi bilan munosabat qiladigan inson to'y o'tgach ham, shu odatini tashlashi dargumon. Yaxshilab o'yab ko'ring: shu

odam sizni baxtli qila oladimi? Oila qurish ostonasida turganda, begona ayol bilan uchrashib yurishi qanchalik to'g'ri?

Maslahatim, odamlarning gap-so'ziga e'tibor bermang. Chunki gap sizning hayotingiz, taqdiringiz haqida bormoqda. Sizni sevmaydigan inson bilan baxt-

li bo'lmaysiz. Ota-onangizga bor haqiqatni aytishdan cho'chimang. Negaki, sizga, avvalo, ular qayg'uradi. Nima bo'lganda ham yaqinlar bilan maslahatlashib, qalbingizga quloq tuting.

MULOHAZA

Ovozasi olamni tutsin...

Erkin ABDUSATTOROV

Bizni kemiruvchi illatlar deganda, zaxm-u maraznini gumon etarsiz? Yoyinki, sil, silariya (o'pka sili) va maxavliknini der-siz? Yo'q, andan ham yamonroq va andan ham jonxarosh (jon azobi), bevoya, xonavayron va g'arib etguvchi bir dard, biz — tarkistoniylarni shahri va qishloqi yoyinki yarim madaniy, yarim vahshiy sinflarimizgacha istilo etib, butun tirikligimizgacha soril-gan va bizni inqirozga va tahlikaga va jahannamga yumalata-turg'on to'y, azo ismindagi ikki qattol dushmani derman.

(Mahmudxo'ja Behbudiy, "Oyina" jurnali, 1915-yil 13-son).

To'y ham qadriyat. Uning o'ziga xosliklari, ajdodlardan qolgan yo'l-yo'riqlari bor. Buni yaxshi tushungan kishi aslo kam bo'lmaydi, unga qarab o'zi, oilasi, xalqi va yurtiga manfaat keltiradigan reja asosida to'yini o'tkazadi. Ammo, hozir...

To'y boshlagan inson to'yning ovozasini dunyoni tutishini istaydi. "Dushmanlarim... kuyib-o'lsin!", deydi. Dushmani kuydiraman, deb ertaga qarzga botib azobda qolishini o'ylamaydi, negadir.

O'tgan yili do'stim uylandi. Ota-onasi o'zlarini kabi o'qimishli, tushungan oila bilan quda bo'ldi. To'yni kelishib, kamxarj o'tkazishdi. Mehmondorchilikka bordim. E'tiborimni tortgan jihat, fonogrammasining ovozi yetti mahallaga yetadigan birorta san'atkor ko'rinmaydi. Dasturxon ham kam-targina, ortiqcha isrofgarchiliksiz. Asosiysi, spirtli ichimlik yo'q. To'y ortiqcha shovqin-suron, urush-janjalsiz, fayzli o'tdi. To'yning artist kelmadi, aroq-vino qo'yilmadi, deb hech kim bo'g'zidan olmadi. Ustidan kulmadi ham. Aksincha, oilaning kamchiqim to'yiga hamma havasmand bo'ldi. Lekin achi-narlisi, o'sha havasmandlarning

hech biri kamxarj to'y o'tkazmagan. Dabdabali, to'ylardan ko'ra, bu kamchiqim to'y ko'proq ovoza bo'ldi, ko'p eslandi.

Mana, oradan shuncha vaqt o'tdi. Ikki yosh juda baxtli. Farzandli bo'ldi. Odatlariga xos kichkinagina marosim qilib nishonlashdi. Ikki to'ydan tejalgan mablag'ga qo'shib yaqinda uy sotib olishdi. Dabdaba-yu asasa bilan to'y qilganlarning ko'pi hali ham qarzini uzmoqda...


Shu o'rinda savol tug'iladi: muqaddas dinimizda ham "yeng, icheg, ammo isrof qilmang", deya bu kabi serxarj tadbirlardan qaytarilgan, isroflarning uvoli tutishi haqida yoshligimizdan qulog'imizga quyib kelgan bo'lsa-da, nega bunday dabdabozlik yo'qolmayapti? Nega kim o'zarga qilayotgan marosimlarimiz borgan sari avjiga chiqmoqda? Nima uchun yillab qilgan mehnatimiz evaziga topganimizni xayrli ishlarga, dey-

lik farzandlarimizning bilim olishi, yaxshi yashashi, ehtiyojmandlarga yordam uchun sarflamaymiz? Prezidentimiz: "Insonning ongi, tafakkuri, dunyoqarashi o'zgar-mas ekan, uning hayoti, hayotiga bo'lgan munosabati o'zgar-maydi", — degani rost. Qishloqlari-mizdagi ko'rimsiz, omonatgina uylar o'rinda namunaviy loyiha asosida zamonaviylarini qurish, sog'lom, mustaqil fikrli, barkamol avlodni tarbiyalash, ma'naviyatimizni yuksaltirish bosh vazifa qilib belgilangan bejiz emas. Maqsad — hech kimdan kam bo'lmay, farovon yashash. Biroq ana shu ezgu maqsadga birdek intilyapmizmi?

Og'riqli savol. Biroq bu savol bir kishiga emas, butun xalqqa yuz yillardan buyon berib kelinadi. Demak, javobni ham birgalikda topishimiz kerak. To'y mashmashasiga o'z vaq-tida chora ko'rmasak, ertaga kech bo'ladi.

Biz huquqiy-demokratik davlat, fuqarolik jamiyati barpo etish harakatidamiz. Qonun ustuvorligini ta'minlash asosiy maqsadimiz. Qonun bor joyda rivojlanish, taraqqiyot, erkinlik bo'ladi. Shunday ekan, mentalitetimizga, hayotimizga salbiy ta'sir ko'rsatadigan to'y va marosimlarni o'tkazishning qonuniy asoslarini barib yaratish zarur. Ixcham to'y o'tkazishning ij-timoiy asoslarini keng targ'ib etish, keyinchalik albatta, mana shunday to'ylarning urfga kirishiga sabab bo'ladi. Urfga aylangan to'ylar esa, malomatga qolmaydi.

"ZUKKO" BILIMDONLIK MASHQLARI



CHAYNKROSSVORD. 1. O'zbekistonda ishlab chiqariladigan avtomobil rumusi. 2. Metalni yemiruvchi qatlam.

3. Avtomobillar saqlanadigan joy. 4. Haftaning murodb axsh kuni. 5. Andijon viloyatidagi shahar. 6. To'ti zoti.

BILASIZMI?



Ishga qabul qilish huquqiga ega bo'lgan mansabdor shaxs tomonidan yoki uning ijzati bilan xodimga haqiqatan ishlashga ruxsat etilgan bo'lsa, ishga qabul qilish tegishli ravishda rasmiylashtirilgan yoki rasmiylashtirilmaganidan qat'i nazar, ish boshlangan kundan e'tiboran mehnat shartnomasi tuzilgan deb hisoblanadi.

Manba: Adliya vazirligining Huquqiy axborot kanali.

HIKMAT

Qiyinchilik chekib, odam hur bo'lur,
Sadafda qamalib, qatra dur bo'lur.

Umar XAYYOM

SHAKARXANDA

Avtobus orqasidan yugurib ketayotgan talabani ko'rgan bir kishi so'rabdi:

— Nega avtobus orqasidan yugurib ketyapsan?

Talaba:

— 1 ming 200 so'm tejjash uchun.

— Undan ko'ra taksining orqasidan yugur, 5 ming so'm tejjaysan.

Talabaga eslatma: "Hurmatli talaba, leksiya vaqtda xurak otmang, yoningizdagi uyg'otib yuborishingiz mumkin!"

MUASSIS

O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI
MARKAZIY KENGASHI

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2017-yil 2-avgustda № 0242 raqami bilan qayta ro'yxatdan o'tgan.

Bosh muharrir
Karimov Faxriddin Turdaliyevich

TAHRIR HAY'ATI

Mansur Bekmurodov, Laziz Tangriyev, Madamin Safarov,
Alisher Sa'dullayev, Dilmurod Nabiyev,
Azim Mirzajonov, Nodir Abdugodirov,
Nargiza Umarova — bosh muharrir o'rinosari
("Yoshlar ovozi"), Irina Kochergina — bosh muharrir
o'rinosari ("Молодежь Узбекистана"),
Yelena Kalina — mas'ul kotib ("Молодежь Узбекистана")

Dizayner
Abdullayev
Xurshid
O'ktamjonovich

Navbatchi
Sherzod Mahmudov

"YOSHLAR OVOZI" dan
materiallarni ko'chirib bosish
tahririyat ruxsati bilan amalga
oshirilishi shart.
1 belgisi bilan tijoriy
materiallar chop etiladi.



Gazeta materiallari tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Tahririyat manzili: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.
Telefonlar: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97. (371) 233-79-69 (faks)
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz

"Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida,
A-2 formatda chop etildi. Hajmi — 2 bosma taboq.
Korxonada manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Indeks: 203, 3203
Bahosi kelishgan narxda.

Buyurtma G-1136
Adadi — 11186
Bosishga topshirilish vaqti — 21.00
Tepshirildi — 21.55

Ofset usulida bosilgan.

1 2 3 4 5